



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2011-yil, 20-avgust. Shanba • 98-99 (31.375) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга қўмаклашмоқда.



ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ФОЛИБЛАРИ

БОСМА ОАВ БЎЙИЧА
1-ўрин: **Рамиль ИСЛАМОВ**, «Правда Востока» газетасининг бўлим мудири — Ўзбекистон Республикасининг ўтган йигирма йил мобайнида ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган улкан ўзгаришларни, кенг қамровли бунёдкорлик ишларини атрофлича ёритган публицистик мақолалари учун

2-ўрин: **Ботир ТЕМИРОВ**, «Қашқадарё» газетаси иқтисодий бўлими муҳаррири — Истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий йўналишда эришилган ютуқларни кенг ёритган таҳлилий материаллари учун

3-ўрин: **Гулистон Аннақичева**, «Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири — «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» гоясини ўзида мужассам этган Ватан туйғуси, мустақиллик ва у берган имкониятлар ҳақидаги туркум мақолалари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари
1. **Муҳаббат СОДИҚОВА** — Самарқанд вилояти Нарпай тумани ҳокимлиги нашри — «Пахтакор овози» газетасининг бўлим мудири
2. **Светлана ШЕГЛОВА** — «Класс!» газетаси катта муҳбири

ТЕЛЕВИДИЕНИЕ БЎЙИЧА
1-ўрин: **Саида ДАВЛЕТОВА**, ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» бош муҳаррирининг сиёсий шарҳловчиси — Давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб тайёрлаган ижтимоий-сиёсий мавзудаги таҳлилий лавҳалари учун

2-ўрин: **Дилшод АҲМАДАЛИЕВ**, «Мулоқот» телевидениеси муҳаррири (Фарғона вилояти) — Ўзбек халқининг мустақиллик йилларида тикланган бой маданий мероси, урф-одатлари ва кадриятларини кенг тарғиб этишга қаратилган телекурсувлари учун

3-ўрин: **Узулхон НУГМАНОВА**, Қорақалпоғистон телерадио-компаниясининг катта муҳаррири — Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида тadbirkor аёллар учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисидаги курсатувлари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари
1. **Одина КАРИМОВА** — «Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси дастурлари бош муҳаррирининг катта муҳаррири
2. **Раҳима ҚАЙМОҚОВА** — ЎзМТРК Навоий вилояти телерадиокомпанияси бош мутахассиси

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти



Ватан равнақи йўлидаги эзгу интилиш

ёшларни жипслаштирамоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайлов-олди дастурини ёшларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш, сиёсий жараёнлардаги иштирокини кучайтириш, фуқаролик позициясини шакллантириш алоҳида ўрин тутди. Шу мақсадда ташкил қилинган партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти бугунги кунда ўз сафига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 110 мингдан ортиқ йигит-қизларни бирлаштирган.

Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини такомиллаштириш, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган минтақавий анжуманлар, ўқув-семинар ва давра суҳбатларида минглаб йигит-қизлар фаол қатнашмоқда.

Шу тариқа ёшлар юрти-мизда ва дунёда юз берётган воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан қарамоқда. «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини оши-

риш мақсадида «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Танлов ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ўз интилиши, оруз-мақсадини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётган. Унда иштирок этиш истагини билдираётган йигит-қизлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Хусусан, мазкур танловда 2008 йили 4 мингдан зиёд, 2009 йили 5000 нафардан ортиқ, ўтган йили 7500 минг нафар, бу йил эса ўн мингга яқин йигит-қиз иштирок этди. — «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фу-

қаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» гояларини ўзлаштириш, ёшларнинг билимини мустаҳкамлаш ҳозир энг муҳим вазифамиздир, — дейди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Акмал Турсунбоев. — Биз бу жараёнга етакчилик салоҳияти бўлган ёшларни жалб этишга қарамақдамиз. Эндиликда қанотимиз етакчилари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда ишлаяпти. Бу эса «Истиқбол» фаолияти сифат жиҳатдан ўсишига, ёшларимиз давр билан ҳамнафас бўлишига замин яратади.

Эътироф

Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда кўплаб ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Юртингиз тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигига ҳавас қилса арзийди. Ўзбекистон пойтахти — Тошкент узоқ асрлардан буён ўз меъморий обидалари, етук алломалари, хушмуомала ва меҳмондўст халқи билан бarchани ҳайратга солиб келади. Қадимда барча қарвонлар Буюк ипак йўлининг марказий шаҳарларидан бўлган Шош орқали ўтишни афзал билган. Бугун ҳам Тошкент Марказий Осиёдаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий марказдир. Юксак интеллектуал салоҳиятга эга Ўзбекистон ёшлари истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, барча соҳаларда ўз иқтидорини ва қобилиятини намойён этаяётганидан хабардорман. Бу мамлакатининг истиқболи янада порлоқ эканидан далолатдир.

Язуи СЯХОУ,
(Хитой).

Бунёдкорлик

Бир йўла 13 та иншоот...

Кўшқўпир мамлакатимизнинг чекка туманларидан бири. Унинг аҳолиси 200 мингга яқин. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида туманда бир йўла 13 та иншоот фойдаланишга топширилди. Шуниси қувончлики, уларнинг 7 таси моддий бойлик яратувчи sanoat ўчоқларидир.

«Янгилик» қишлоғида, «Нозик туркман» хусусий корхонаси қошида, туман пахта тозалаш корхонаси тасарруфида, шунингдек, «Жавоҳир Жаҳонгир сервис» хусусий корхонаси қарамоғида эса паррандачилик мажмуалари барпо этилди. Улар аҳолини арзон ва сифатли парранда гўшти ҳамда туҳумга бўлган эҳтиёжини тўла қондиради. Шу билан бирга, янги корхоналар юзларча аҳоли ишли бўлишига замин яратади.

Тараққиётнинг жадал суръатлари вилоятнинг бошқа туманларига ҳам хосдир. Муҳими, асосий эътибор қишлоққа қаратилмоқда. Улуғ байрам арафасида вилоятнинг қишлоқ жойларида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик 97 та иншоот ишга туширилди. Уларнинг кўпчилиги худуд тараққиёти ва аҳоли турмуш фаровонлиги учун ўта муҳим корхоналардир. Шуниси ҳам борки, аксарият корхоналар ЎзХДП худудий бўғинлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари илгари сурган тақлиф ва ташаббуслар асосида бунёд этилди.

Абдулла СОБИРОВ

Ижодий камолотга ундовчи рағбат

Тошкентдаги «Истиқлол» саройида «Ниҳол» мукофотини топширишга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди



Инсон қалби ва тафаккурига эзгу гояларни жо этиш, маънавиятини юксалтириш, эстетик дидини шакллантиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқийс. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий мусиқа санъатини равнақ топтириш, ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган эзгу ишлар шу олижаноб мақсадга хизмат қилмоқда.

⇒ 2

Истиқлол имкониятлари

Мустақиллик йилларида янгиланаётган, ёшараётган, чирой очаётган НАМАНГАН



3-бет

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



Хизматлар лицензияланган

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

КОНЦЕПЦИЯ:

Оилавий тадбиркорлик фаровонликнинг муҳим омили



Мўтабар КАРИМОВА,
Жиззах вилоят
партия кенгаши
раиси
ўринбосари.

Кўп асрлик тарихимиз ота-боболаримиз хунара эгаллашга, ўзи ва оиласи учун барқарор даромад манбаи яратишга, энг муҳими, бирон-бир хайрли иш билан одамларга нафи тегишига ҳаракат қилиб келганини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да шу эзгу аънанани замонавий бозор муносабатлари асосида такомиллаштириш масаласига эътибор қаратилган. Жамиятимизда турмуш фаровонлиги ошиши, ҳаётимиз раванқ топишида бунинг аҳамияти катта.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам учун янги иш ўринлари очиб ва барқарор даромад манбаи яратишга хизмат қилади.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг кам таъминланган, лекин иқтисодий фаол қатлами шундай шарт-шароит яратишга муҳимроқ бўлади. Бу мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини оширишга замин яратади.

Шу боис бозор муносабатларини либераллаштириш ва демократлаштириш, хусусий мулкчиликни, тадбиркорлик фаолиятини, айниқса, оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича қонунчилигимизни янада такомиллаштириш заруратга айланади.

Давлатимиз раҳбари: «**Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди**», деб бежиз таъкидлаган эмас.

Шу ўринда айтиш жоизки, оилавий тадбиркорлик учун қулай муҳит яратиладиган кам таъминланган оилалар, вақтинча ишсиз кишилар, умуман, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари бевоқифлик манфаатдор. Янги иш ўринлари очилиши ва аҳоли учун барқарор даромад манбаи қонуний асос топиши партияимиз электорати манфати ишончли ҳимоя қилинишида фойдаланиш мумкин. Шунинг учун оилавий бизнеснинг қонуний асослари мустаҳкамланаётганда ана шу жиҳатлар бўйича тегишли меъёрлар белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини белгилашга доир қонун лойиҳасида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги тизимини маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар меҳнати қонуний қамқоғилини таъминлаш мақсадида эга, албатта.

Ўртимизнинг деярли ҳар бир қишлоғида ўз томорқасида деҳқончилик қилиб, оила тебратаетган фуқаролар бор. Улар етиштирган ноз-неъматлар халқимиз эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда. Олди деҳқон шун тарихи давлат ижтимоий-иқтисодий раванқига муносиб ҳисса қўшмоқда. Демак, уларнинг меҳнати



қонунан муҳофаза қилиниши, хусусан, меҳнат дафтарчаси юритилиши, қонунга мувофиқ тарзда бошқа иқтисодий имтиёزلар яратиб берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бозор иқтисодиётига асосланган ислохотларнинг бугунги босқичида бу фойда муҳим.

Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан соҳа раванқига шароит яратиш бўйича аниқ чоралар белгиланган. Хусусан, бандликка кўмаклашиш Давлат жағфармасига, тижорат банкларига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уй меҳнатини ташкил этиш учун имтиёзли микрокредитлар миқдорини кўпайтириш, шунингдек, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари зиммасига бу борада аниқ вазифалар юкланган.

Маазур қарор ижроси ҳамда жойда кўнгилдагидек бўлиши жамоатчилик назорати аввал депутатлик гуруҳимиз ҳамда тегишли доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилиб, сўнг туман Кенгаши сессиясига олиб чиқдик.

Биринчи бўлмаси биринчи масалани ечиш, муаммони ҳал қилишнинг удрасидан чиқарилди. Бу ишларда биз депутатларга партияимизнинг туман кенгаши амалий ёрдам кўрсатапти.

Рашидjon РУСТАМОВ,
туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи мухтаассиси.

— Сийёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг туман Кенгашидаги фаолияти ҳақида гапирадиган бўлсак, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоларининг фаолроқ эканини таъкидлашни истардим. Уларнинг таклифи билан туман Кенгашининг доимий комиссиялари муҳокамасига бу йил иккита масала киритилди. Аҳоли бандлиги ва сервис хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ масала атрофида ўрганилиб, сессия муҳокамасига қўйилди.

Аммо ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи фаолияти тўғрисида бундай фикр билдириш қийин. Улар доимий комиссиялар ишида анча суст иштирок этапти. Амалий таклиф ва ташаббуслар билан чиқишда ҳам уларнинг сустиқлиги яққол сезилапти. Ўтган йили туман Кенгашининг 4 та ва бу йилги 3 та сессияси кун тартибига уларнинг ташаббуси билан бирон-бир масала киритган эмас.

Эътироф этиш жоизки, туманда янги иш ўринлари очиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бу ишларга маҳаллий ҳамда хорижий инвестицияларни

Шунда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар самараси ортади, жамият ривожини, унинг кафолати мустаҳкамланади. Қишлоқ ва овулларимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар кўпаяди, хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайди. Муҳими, одамлар бир-бирдан ўрнак олади, тажриба ўрганади, аҳолининг фаоллиги ортади.

Биз шундан келиб чиқиб, вилоят партия ташкилоти фаоллари билан бирга, жамоатчилик орасида тарғиб-ташуунтириш ишларини кучайтиришга ҳаракат қилаёلمиз. Унда жамоатчилик оилавий бизнеснинг қонуний асосини белгилаш жараёнида эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришмоқда.

Электрорат вакиллари билдирган таклифларни вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда умумлаштириб, бир тизимга келтирдик ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракциясига тақдим этдик.

Оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш юртимиз тараққиётида янги саҳифа очилган, аҳолининг иқтисодий фаоллиги кучайишига, бир сўз билан айтганда, халқимиз турмуш фаровонлиги янада ошишига қўлайлик яратиб берилади.

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИ

РАДИО БҮЙИЧА

1-ўрин:
Мавжуда ЙҮЛДОШЕВА, «Ёшлар» телерадиоканали ЕАЖ «Давр» ахборот дастурлари муҳарририятининг сийёсий шарҳловчиси — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган «Буюк марра» туркумидаги ахборот-таҳлилий публицистик радиоеътиштирилари учун

2-ўрин:
Султон УМАРОВ, ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Янги жамият» студияси муҳаррири — Юртимизда ҳўкм сураётган миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни ёритган радиоеътиштирилари учун

3-ўрин:
Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциациясига қарашли «Рухсор» радиоканали жамоаси (Бош муҳаррири — Дилшодбек Йўлдошев) — Халқимизнинг бой маънавий ва маданий мероси, аънава ва қадриятларини тиклаш ҳамда тарғиб этишга бағишланган фаолияти учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:
1. **Илҳом ХОЛМАТОВ** — ЎзМТРК Жиззах вилояти телерадиоканали «Жиззах» радиоканали муҳаррири
2. **Ҳабибулла ЮНУСОВ** — ЎзМТРК «Спорт» телерадиоканали «Машъал» радиоси катта муҳаррири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛИСТИКА, ФОТО ВА ДИЗАЙН ИШЛАРИ БҮЙИЧА

1-ўрин:
Умиджон ЁКУБОВ, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Республика ахбороти таҳририятининг бош муҳаррири ўринбосари — Мамлакатимизда ижтимоий-сийёсий, социал-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни интернет тармоғида кенг ва изчил ёритган материаллари учун

2-ўрин:
Маматкарим АБДУМҮМИНОВ, «Маърифат чашмаси» газетаси фотомуҳбири (Сирдарё вилояти) — Истиқлол йилларида турли соҳаларда эришилган ютуқларни ифодаловчи фоторепортажлари учун

3-ўрин:
Муҳаммадмин САТТОРОВ, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг Наманган вилояти бўлими дизайнери — Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқларни тасвирлаган ва Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган ижодий ишлари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари
1. **Азаматжон ТОШМАТОВ** — «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари фотомуҳбири
2. **Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ** — «Ишонч» газетаси масъул котиби

Ижодий камолотга ундовчи рағбат

Тошкентдаги «Истиқлол» саройида «Ниҳол» мукофотини топширишга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти ёш истеъодларни аниқлаш, ижодини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш, янги ижодий марралар сари илҳомлантиришга хизмат қилмоқда. Ҳар йили энг улўғ, энг азиз байрамимиз арафасида аънавий тарзда ўтказиладиган «Ниҳол» мукофоти соҳибларини тақдирлаш маросимида ҳам бу жиҳатлар ўз ифодасини топмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдида ўтказилган тантаналар ҳам санъат, камолот, ёшлик ва маънавият байрамига айланиб кетди. Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мусиқа ихлосмандлари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Тантанали тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида юртимизда олиб борилаётган янгилаш жараёнида ёшларнинг юксак маънавияти, тира ва соғлом тафаккур соҳиблари этиб воёга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига асосан юртимизда ёш авлодининг истеъодини хар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон санъатининг юксак намуналаридан баҳраманд этиш учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратишга оид эзгу ишлар қўламини янада кенгайтирди.

Бошланғич мусиқий таълимни тубдан такомиллаштириш мақсадида мусиқа ва санъат мактаблари қайтадан реконструкция қилиниб, моддий-техник базаси яхшиланди. Ўқув-услубий, техник ва мусиқа жиҳозлари билан таъминлаш, педагогларнинг касб билими ва маҳоратини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эзгу саъй-ҳаракатлар, истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ва фаоллик самарасини юртимиз ёшларининг халқаро миқёсдаги турли кўрик-танловлар, ижодий фестивалларда эришаётган муваффақиятларида кўриш мумкин. «Ниҳол» мукофоти учун танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳ-

ри бўйича дастлабки босқичлари юксак савияда, байрамона руҳда, кўтаринкилик билан ташкил этилмоқда. Унда иштирок этиш истагидаги ёшлар сафининг йил сайин кенгайиб бораётгани йигит-қизларнинг санъатга бўлган меҳр ва қизиқишининг тобора кучайиб бораётгани «Ниҳол» мукофотининг нуфузи ва маънавияти ортаётганидан далолатдир. Ёшларни излашнига, янада самарали ижод қилишга ундаётган ушбу мукофот учун ўтказилган жорий йилги танловда қарийб 10 минг 700 нафар ёш ижрочи иштирок этгани ҳам бунинг тасдиқлайди.

Танлов эстрада санъати, мусиқа ижрочилиги, аънавий ижрочилик, академик ижро каби йўналишларда ўтказилди. Айни пайтда чекка ҳудудлардаги ёш истеъодларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда мукофот учун саралаш кўрик-танловлари кенг жамоатчилик муҳокамасида, қатъий талаб ва юксак бадийи меъзолар асосида ўтди.

2011 йилда «Ниҳол» мукофотида аънавий ижрочилик йўналишида Рахшона Қўзиёва (Андижон вилояти), Шаҳзода Ҳасанова (Наманган вилояти), «Наво-соз» ансамбли (Тошкент шаҳри), Дилноза Акбарова (Тошкент вилояти), мусиқа ижрочилиги йўналишида Тамара Акбарова (Жиззах вилояти), Шерзод Шодиев (Навоий вилояти), Лочинбек Мўминов (Хоразм вилояти), эстрада санъати йўналишида Юлдаш Низомова (Самарқанд вилояти), Шаҳноза Отабоева (Тошкент шаҳри), Назарбек Раимжонов (Тошкент шаҳри), академик ижро йўналишида Отабек Маҳмудов (Фарғона вилояти) сазовор бўдилар. Уларга мазкур мукофот тантанали тарзда топширилди.

— Юртимизда ёшларнинг пухта билими олиши, санъатнинг сеҳрли ва мафтўнкор оламида баҳраманд бўлиши, ўз қобилияти ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилган, — дейди «Ниҳол» мукофоти совриндори Лочинбек Мўминов. — Бундай эътибор ва рағбат билан кўпроқ изланишга, тинимсиз меҳнат ва ижод қилишга, ўз фаолиятимизга янгица, янада юксак талаблар асосида ёндашишга даъват этади.

Тантананда санъат усталари ва ижрочи ёшлар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎзА муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Депутатнинг бурчи ва ваколатини

сайланганига икки йил ўтганига қарамасдан ҳали ҳам чуқур англаб етмаган ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи ҳақида

Мирзачўл Жиззах вилоятининг чекка туманларидан бири. Ҳозир бу ерда 50 минг нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида кўпгина ишлар амалга ошириляпти. Аммо муаммолар ҳам оз эмас. Хусусан, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, бандликни таъминлаш, ички йўлларни тартибга келтириш бўйича ҳали кўп иш қилиниши керак.

Табий савол туғилади: аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, ислохотлар самардорлигини ошириш билан боғлиқ бу муҳим масалаларга сийёсий партияларнинг маҳаллий ташкилотлари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳлари қандай эътибор қаратмоқда? Улар маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб, ҳудуддаги муаммоларга мақбул ечим топиш бўйича қандай таклиф ва ташаббуслар билан чиқсаяпти?

Халқ депутатлари туман Кенгашига турли партиялардан сайланган айрим депутатларга ушбу савол билан мурожаат қилдик.

Мақфуза МАМАТХҲАЕВА,
туман Кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи аъзоси:

— Ҳокимият томонидан нима топшириқ бўлса, бажараямиз. Муаммоларни ҳал қилишга келсак, бу энди кўпроқ маблағ билан боғлиқ. Биз эса бор-йўғи депутатимиз. Тўғри, сиз айтгандек, таклиф ва ташаббуслар билан чиқсак бўлади.

Очиғи, шу вақтгача депутатнинг бурчи ва ваколатлари ҳақида, қай тартибда фаолият юритиши тўғрисида тажрибамиз кам эди.

Биз депутатлардан кўпчиликнинг бошини қовуштириш, муаммоларнинг

ечими юзасидан айтилган амалий таклифларни умумлаштириб, доимий комиссиялар йиғилишида кўриб чиқиш, зарур бўлса, сессиялар муҳокамасига киритиб, уларнинг ечими бўйича чора-тадбирлар белгиланишига эришишимиз талаб этилишини энди тушуниб етаямиз.

Шу пайтгача доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига масала киритмаганимиз — бор гап. Энди пишшироқ, талабчанроқ бўламиз, шеклилли.

Абдуқодир НУРБОЕВ,
туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:

— Саволларингиз ўринли. Депутат сифатида ундай қилдим, бундай қилдим, деб мақтанолмайман. Бироқ бир чеккада қўл қовуштириб турганим ҳам йўқ.

Қишлоғимизда аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш билан боғлиқ катта-кичик масалаларни ҳал қилишга ҳаракат қилаёلمиз. 60 та оилага паррандачилик, асаларчилик билан шуғулланиш учун имтиёзли кредит олишда кўмаклашдик. Бу — ҳамқишлоқларимиз учун 130 та янги иш ўрни яратиш имконини берди.

«Сайфулин» кўчасидаги уйларда газ босимининг пастлиги, «Навоий» кўчасидаги сув йўлларини созлаш масалаларига тегишли доимий комиссиялар эътиборини қаратдим. Уларнинг мақбул ечимлари топилди.

Истиқлол имкониятлари

Орзу ҳаваслар рўёби

■ Сарийосиё ўзининг ширин-шарбат анорлари, тилларанг узуми, машхур ҳисори кўйлари билан ном чиқарган. Бугун эса Хонжиза полиметалл кони, Тўпаланг гидроэлектрстанцияси, Шарғун кўмири ва бошқа талай янги ишлаб чиқариш корхоналари туман салоҳиятини оширмоқда. Кўплаб турар-жойлар, ўзига хос иншоотлар, шина масканлар, коллеж ва лицейлар, соғломлаштириш гўшалари ва замонавий тиббий муассасалар аҳолининг фаровон яшашини, соғлом ҳаёт кечиршига хизмат қилмоқда.

Туманда иқтисодий ишловларни жадал давом эттириш мақсадида жорий йилда барча манбалар ҳисобидан 12,6 миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Шунингдек, 420 минг АҚШ доллари миқдордаги хориз инвестицияси ўзлаштирилади. Саноат, озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлар ишлаб чи-

қариш, қурилиш, маиший хизмат ҳамда сервис соҳаларини ривожлантириш учун «Ғанишер Файз» хусусий корхонаси, «Хонжиза савдо сервис», «Сарийосиё қурилиш материаллари» масъулияти чекланган жамият, «Бодомзор», «Дашнобод боғлари», «Шохрух» ва бошқа кўплаб корхона, ташкилот ва фермер

хўжаликлари етарли миқдорда кредитлар берилди. 2011 йилнинг ўтган даврида қарийб 3 мингта янги иш ўрни яратилди. — Тасарруфимизда 124,6 гектар ер бор, — дейди «Боймухамедов Ҳайтали» фермер хўжалиги раҳбари Ойбек Норқулов. — Ҳозир хўжалигимизда 50 нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Жорий йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига яна 25 та янги иш ўрни ташкил этмоқчимиз. Бу йил 44 гектар майдонга галла экан эдик, ҳар гектар ердан 88 центнердан ҳосил олдик. Давлат қабул пунктига 152 тонна ўрнига, 176 тонна дон топширилди. Шунинг 90 тоннасини урулқик бугдой ташкил этди. Истиқлол шарофати билан Сарийосиё «Саховат» корхонаси фойдаланишга топширилган эди. Ўзбекистон —

Россия ишбилармонлари ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган мазкур кўшма корхонада келажакда полиэтилен плёнка тайёрлаш режалаштирилган. Бунинг учун Хитойдан 100 минг долларлик замонавий технология олиб келинмоқда. Хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида пайпоқ ишлаб чиқариш ва ип-калава бўяшга ихтисослашган фабрика қурилмоқда. «Шўртан нефтгаз» жамоаси ҳамкорликда бунёд этаётган мазкур корхонада йилига 5 миллион жуфт пайпоқ ҳамда 2 минг тонна ип-калава тайёрланади. — Мустиқиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун кенг имкониятлар яратилди, — дейди футбол бўйича ўн етти ёшга бўлган ўсмир-

лар ўртасида Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионати иштирокчиси Холмурод Холмуродов. — Туманнинг «Хурватан» маҳалласида туғилганман. Мустиқиллик шарофати ва Президентимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги боис дунёни кўрдим. Келажакда эса жаҳон чемпиони бўлишни мақсад қилганман... — Бу йил 20 ёшга тўлдим, — дейди Парвез Фаттоев. — Истиқлол фарзандлари учун бугун юртимизда барча шароит яратилган. Ўн минг томошабинга мўлжалланган стадион, «Сурхон» спорт мажмуи ва бошқа кўплаб спорт иншоотлари барпо этилгани биз воҳа ёшлари оруз-ҳавасларимизни рўёбга чиқаришимиз учун мустаҳкам замин яратмоқда... Абдумалик ХАЙДАРОВ, Бахтиёр АЛИҚУЛОВ.



Алишер ИСРОИЛОВ (ўса) олган сурат.

Ҳар соҳада фаол ёшлар

■ Самарқанд вилоятида Ватанимиз мустиқиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида олиб борилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишларида талаба-ёшлар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бунда Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этилаётган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Самарқанд шаҳрида истиқлол айёми арафасида талабалар иштироғига топширилиши режалаштирилган Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали янги биносининг қурилиш ишларида ҳам ёшлар ҳаракатининг йигирмадан зидд аъзоси қатнашаётир.

Огоҳлик — давр талаби

Одам савдоси — жирканч жиноят



■ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Қодиров раислигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди.

Ййгилишда Республика Идораларо комиссияси, унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратура ва тегишли идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди. Унда одам савдосига қарши курашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти ҳудудий идораларо комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижалари хусусида Ички ишлар вазирлиги, Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони ижроси ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун заҳира иш ўринлари яратиш борасидаги фаолиятни мониторинг натижалари ҳақида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш юзасидан ўтказилган ижти-

момий сўров натижалари ҳақида «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ҳисобот берди ҳамда одам савдосига қарши курашиш борасида комиссия фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Ййгилишда қайд этилган ҳудудий идораларо комиссиялар томонидан муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланиб, йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинди. Одам савдосига қарши курашиш амалга оширувчи барча мансабдор шахслар фаолиятига аҳоли бандлиги баҳо берилиб, соҳага доир тадбирлар ижросини жадаллаштириш ва тақомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашишда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш алоҳида аҳамиятга эга экани инобатга олин-

ган ҳолда, кичик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ҳамда янги иш ўринлари очиб масаласига ййгилиши иштирокчилари эътибори қаратилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман, шаҳар ҳокимликлари билан бирга, коллежлар битирувчиларининг ишга жойлашини мониторинг қилиб бориши 2010-2011 ўқув йилида коллежларни битирган ййигит-қизларни бундан янги ташкил этилаётган иш ўринларига мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши, оилавий бизнесини ташкил этишига кўмаклашиш учун аниқ чора-тадбирлар қўллаши лозимлиги алоҳида ўқдирилди.

Шунингдек, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган ижтимоий сўровларни кенгайтириши ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши, ўтказилаётган сўровларда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилишига алоҳида эътибор қаратиши кўрсатиб ўтилди. Фўқароларнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида тарғибот тадбирларини жадаллаштириш ва одам савдоси жабрдийдаларига тиббий, психологик, юридик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш комиссиясининг асосий мақсадларидан бири экани таъкидланди. Ййгилиш якунида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, одам савдосига қарши курашиш янада кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси

Шарҳ

Экология мувозанати бузилган шаҳарлар

рўйхати эълон қилинди

■ Дунёни, сайёрамизни қутилаётган табиий ва техноген бало-қазолардан қутқариб қолиш жаҳон жамоатчилигининг, халқаро ҳамжамиятнинг долзарб вазифаларидан бирига айланди.



Яқинда Американинг Блэксмилт илмий-тадқиқот институти ходимлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари Буюк Британиянинг «The Daily Telegraph» газетасида чоп этилди. Унда сайёрамизнинг энг ифлосланган ўнта шаҳри рўйхати эълон қилинди. Бу ерда гап шаҳарлар ҳавосининг, тупроқ қатламнинг заҳарли саноат чиқиндилари, яъни кимёвий моддалар чанги ва суюқликлар билан ифлосланган даражаси назарда тутилмоқда. Хитойдаги Линьфэн шаҳри ушбу «антирейтинг» рўйхатида биринчи ўринда турибди. Бу шаҳарда кўмир казиб олинади ва маҳаллий корхоналарнинг барчаси ундан ёқилғи си-

фатида фойдаланади. Бу эса ўз ўрнида шаҳар ҳавосини ақл бовар қилмас даражада ифлослантирмоқда. Шу боис шаҳар аҳолисининг ўткир респиратор ва тери касалликлари ҳамда ўпка саратонига чалиниши кўпайиб бормоқда. Иккинчи ўрин ҳам Хитой шаҳарларидан яна бири — Тяньжинга насиб этди. Мазкур шаҳар кўрғошин ишлаб чиқариш маркази бўлганлиги сабабли унинг заминидан ва ҳаво таркибиде кўрғошин белгиланган мейёрдан 10 баравар ортиб кетган. Бу эса касалликлар салмоғини йилдан-йилга ошириб бормоқда. Учунчи ва тўртинчи ўринларни Ҳиндистон шаҳарлари «ишғол» эт-

ган. Сукинда шаҳрида дунёдаги энг йирик хром (оч қулранг тусли қаттиқ кимёвий элемент) кони мавжуд бўлиб, бу кимёвий элемент очиб шахталарда казиб олинади. Бу эса шаҳар аҳолиси соғлиғига ёмон таъсир этмоқда. Кишилар асосан ошқозон-ичакдан қон кетиш, ўпка сили ва астма билан оғрийди. Бундан ташқари, пуштсизлик ва авлодларнинг нуқсонли туғилиши кўп қайд этилади. Вапи шаҳрида эса 50 дан ортиқ саноат корхоналари мавжуд бўлиб, бу ернинг экологияси оғир металллар, пестицидлар ва бошқа кимёвий чиқиндилар чанглари билан ифлосланган. Ҳатто ер ости сувларида ҳам симоб элементлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти белгиланган мейёрлардан юз баравар ортиб кетган.

Перуддаги Ла Оройя шаҳри ифлослик даражаси бўйича бешинчи ўринда. Бу ерда металл саноати яхши ривожланган. Аммо ҳавоси... кўрғошин элементларига бой. Ҳатто болалар қонида ҳам кўрғошин таркиби белгиланган мейёрдан икки баравар ортиқлиги аниқланган.

Россиянинг Дзержинск ва Норильск шаҳарларига олтинчи ва еттинчи ўринлар «тортиқ» қилинди. Кимё саноати маркази ҳисобланмиш Дзержинск шаҳрида экология қоидалари кўпол равишда бузилмоқда: кимёвий чиқиндилар дарёларга оқизилмоқда, ер остига кўмилмоқда. Шаҳар фўқароларининг ўртача умри Россиянинг бошқа ҳудудлари-

да яшовчи кишиларга қараганда анча паст, ўлим даражаси эса бир баравар юқори. Рангли металлургия маркази ҳисобланган Норильск ҳавосини эса «Норильский никел» заводи оғир металл чанглари билан етарли даражада ифлослантиради. Ушбу шаҳар аҳолиси бошқа ҳудудларда истиқомат қилувчи кишиларга нисбатан 10 йил кам умр кўради. Аҳоли асосан аллергияга, астма, юрак-қон-томир тизими ва нафас йўллари, шунингдек, овқат ҳазм қилиш органларининг ишдан чиқиши, руҳиятнинг бузилиши сингари касалликларга тез ва осон чалинади.

1986 йил 26 апрелда дунёда энг йирик фалокат юз берган Украинанинг Чернобили ифлослик даражаси бўйича саккизинчи ўринда экан Бу ерда АЭСнинг 4-энергоблокида юзага келган портлаш оқибатида хануз саратон, нафас йўллари, қулоқ, бурун ва томоқ касалликларига чалиниш ҳолатлари юқориликча қолмоқда. Озарбойжоннинг Сумгаит шаҳри (Каспий денгизининг қирғоғида жойлашган нефть-кимё саноати ривожланган шаҳар) ҳам экологияси ташвишли ҳудуд ҳисобланади. Замбиянинг Кабве шаҳри эса ўннинчи ўринни «ишғол» этган. Бу ерда бутун бошли туманларни кўрғошин ва руҳ чанглари қоплаб олган. Шу боис болалар қонида бу элементлар даражаси белгиланган мейёрдан ўн баравар ортиб кетган. Бугун дунё олимлари соф ишлаб чиқариш манбаи ҳисобланмиш нанотехнология соҳасини ривожлантиришга ҳаракат қилишмоқда. Бу соҳа тараққиёти инсониятни кўпгина муаммолардан қутқариб қолади, деб ҳисоблашмоқда.

Алишқул СУЛТОНОВ шарҳлади.

Миллий матбуот марказида

Тест синовлари — адолат мезони



■ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан «Давлат тест синовларини ўтказиш борасида орттирилган таъриба ва эришилган натижалар, кўрсаткич ва ҳулосалар, ҳамда уни одил ва ҳаққоний тарзда ўтишини таъминлаш борасида олиб борилган чора-тадбирлар» мавзuida матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Давлат тест марказининг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давлат тест маркази директори Баҳром Исмоилов юрти- мизда истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ ёш авлод таълим-тарбиясига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилиб келинаётгани, билимли интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёшларимизни камолга етказишда таълимнинг ўзига хос миллий модели ишлаб чиқилгани, 19 йилдан буён ҳар йили олий ўқув юртига ўқишга қабул қилиш учун тест синовлари ўтказиб келинаётгани ва у энг замонавий услублар асосида ташкиллаштирилиб, иктидорли ўғил-қизларимизни билим юртига қабул қилишда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани тўғрисида тўхталиди.

Шунингдек, Президентимизнинг «2011-2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ, жорий йилда олий ўқув юртиларининг бакалаврият йўналишига 56607 нафар ўғил-қиз-талабаларга қабул қилиниши, уларнинг 19560 нафари давлат гранти асосида, 37047 нафари эса шартнома бўйича тахсил олиши белгилангани ҳамда магистратура йўналишида жами 5880 нафар ёшлар қабул қилиниши белгилангани ва шундан 1566 нафари давлат гранти, 4314 нафари эса шартнома асосида тахсил олиши назарда тутилгани тўғрисида ҳам иштирокчиларга маълумот берди.

Хусусан, бугунги кунда кимё ҳамда ахборот технологиялари кундан-кунга дунёда ҳам, юртимизда ҳам талаб ошиб бормоқда, бу соҳани мутахассислар билан таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис Тошкент кимё-технология институти Кўнгирот бўлимининг махсус сиртки бўлимига давлат

гранти бўйича 65 нафар ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртки бўлимига 50 нафар, шу жумладан уларнинг 15 нафари давлат гранти асосида қабул қилиниши белгиланган.

Бундан ташқари, мазкур йилда республика миқёсидаги 58 та олий таълим муассасаси ва уларнинг 13 та филиалида шу йилнинг 2 август кунини тест синовлари ўтказилди. Ушбу ўқув даргоҳларига ҳужжат топширган абитуриентлар сони эса аввалги йилга нисбатан қарийб 35 минг нафарга ошган. Бу кўрсаткичдан шуни билиш мумкинки, бир ўринга жами танлов коэффициенти 7,4 нафарни ташкил этган. Бундай натижа албатта ёшларимизнинг билим олишига бўлган қизиқиши ва интилиши йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолатдир.

Матбуот анжуманида бу йилги Давлат тест синовлари нима сабабдан ҳар йилгидек 1 августда эмас, балки 2 августда бўлиб ўтганлигига ҳам изоҳ берилди. Ўтган йилгига нисбатан тахмин қилинган абитуриентлар сонидан анча кўп ҳужжатлар қабул қилинганлиги боис уларга қўшимча аудиториялар тайёрлаш ҳамда тест синовларида иштирок этадиган аудитория раҳбарлари ва қузатувчилар сонини кўпайтириш, уларни ўқув семинарларда ўқитиш, тайёрлаш ишлари ва вақт кетганлиги учун бир кунга кечиктирилгани тўғрисида маълумот берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Эртага — Ҳаво флоти кунни

Мамлакатимизнинг мустақкам қанотлари

■ Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида-авиаторларимиз касб байрамларини нишонлайди. Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК Бош директори Валерий Тян таъкидлаганидек Президентимизнинг 1992 йил 28 январдаги Миллий авиакомпанияни ташкил этиш ҳақидаги Фармони мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожига муҳим омил бўлди.



Ҳозир «O'zbekiston havo yo'llari» кучли, барқарор, тез ривожланган, ҳавода ҳам, ерда ҳам парвозлар хавфсизлиги ва юқори савияси хизматини таъминловчи авиаташувчи сифатида жаҳон авиабозорига етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Фуқаро авиациясининг муркаб инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялашга йўналтирилган илк қадамлардан бири — Фарбда ишлаб чиқарилган замонавий ҳаво кемалари ҳисобига авиапаркни янгилаш дастури бўлди. Булар иккита «А310», сўнгра «В-767-300ER», «В-757-200», «RJ-85» ва ўзимизда ишлаб чиқарилган «Ил-114-100» самолётларидир. Ҳозир авиапарк тўқизта «А320» лайнери билан тўлдирилди. Жорий йил охирида улар сони ўнга етди. Яна тўртта «Боинг-767-300ER» ва иккита «Боинг-787-Dreamliner» олиш кўзда тутилган.

Табиики, янги самолётлардан фойдаланиш учувчилар мажмуаси тузилмасига ўзгартишлар киритишни талаб этди. Мажмуани юқори техник даражада жиҳозлаш бўйича кенг кўламли ишлар қилинди.

Учувчилар таркибининг тайёргарлиги бўйича ишлар амалда қўндалик ишга айланган. Мустақиллик байрами арафасида замонавий тренажерлар билан жиҳозланган Ўқув-машқ маркази ҳам ишга тушади. Мазкур мажмуа мутахассисларимизни тайёрлашдан ташқари бошқа хорижий авиакомпанияларга тренинг хизмати кўрсатади.

Авиаташувлар ҳажми йил сайин ортмоқда. «O'zbekiston havo yo'llari» жорий йил биринчи ярмида 1,06 миллион йўловчига хизмат кўрсатган, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,2 фоиз кўпдир. Жами 24 минг тонна юк ташилган. Олис хориж ва Ҳамдўстлик мамлакатларига қатновлар сони ҳам ортган.

Матбуот анжуманида парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, йўловчилар ва авиация техникасига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида қилинаётган ишларга тўхталиб ўтилди.

Чунончи республиканинг барча ҳаво масканларида реконструкция ва модернизациялаш ишлари амалга оширилган. «Тошкент» халқаро аэропортида бир соатда 400 нафар йўловчига юқори сифатли хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган янги маҳаллий йўналишлар аэровокзали қурилиши ниҳоясига етмоқда. Тез орада «Бухоро» аэропортига ташриф буюрувчиларни юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган, халқаро талаблар даражасида хизмат кўрсатувчи янги терминал кутиб олади. Аэропортлар ва таркибий бўлинмаларда халқаро андозадаги сифат менежменти тизими ҳам жорий этилмоқда.

Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро интермодал логистика марказини ташкил этиш бўйича инвестицион лойиҳани амалга ошириш муваффақиятли давом этмоқда. Бу ерда йўловчи терминалини

реконструкция қилиш, кенгайтириш ишлари якунланган, соатига 400 нафар кишига аъло даражада хизмат кўрсатиш имкони яратилди. Терминал келаси йил фойдаланишга топширилади.

«U'zbekistan Airways Technics» авиакорхонасида ҳам ишлаб-чиқариш кўлами кенгайтирилмоқда. Корхона техник хизматларининг юқори сифати, ўзбек мутахассисларининг малака даражаси халқаро сертификатлар билан тасдиқланган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг «Sky Team» халқаро авиация альянсинга аъзо бўлишга йўналтирилган тадбирлар давом этмоқда.

Мухтасар айтганда, Миллий авиакомпания ходимлари парвозлар хавфсизлиги ва ишончилиги, авиаташувлар мунтазамлиги ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатишининг юқори маданиятини таъминлаш учун бор имкониятларини ишга солмоқда. Демак, йўловчилар кучли, барқарор, тез ривожланаётган авиаташувчи — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» хизматларидан доим миннатдор бўлади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Хориж

Чегара ҳудудида

300 метрлик ер ости йўлаги топилди

Мексика ҳарбийлари мамлакатнинг АҚШ билан чегарадош ҳудудида кавлаб охирига етказилмаган 300 метрлик ер ости йўлагини топдилар. Баландлиги 1,8 метр, эни 1 метр узунликда кавланаётган бу йўлак Мексиканинг Тихуана шаҳридаги уйлардан бирининг ҳовлиси-дан бошланган экан.



«France Presse» АА маълум қилишича, ер ости йўлаги аниқланган пайтда бу ишларга алоқадор 10 киши ҳарбийлар томонидан қўлга олинган. Таҳминларга кўра, бу йўлак Мексикадан АҚШга гиёҳванд моддаларни ноқонуний йўллар билан етказиш ва нолегал муҳожирларнинг қўшни мамлакатга беғалва ўтиши учун хизмат қилиши назарда тутилган.

АҚШ маъмурияти манбаларига қараганда, 1990 йилдан бери Мексикадан АҚШга элтувчи 150 дан ортиқ худди шундай ер ости йўлак-лари топилган.

Давомли жазирама

қувурлар ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда

Тўрт йилдан бери АҚШ ҳудудида ёзнинг иссиқ келиш ҳолати кузатишмоқда. Жазираманинг бу қадар давомли келиши сув қувурлари тизимининг ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда.



ки ва Нью-Йоркда ҳам аҳвол яхши эмас.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси маълум қилишича, жазирама забтга олган айна пайтда мамлакат ҳудудида бир кунда 700 тага-ча сув узатиш тармоғида носозликлар юзага келмоқда ва натижада бутун бошли туман ёки кичик шаҳарларда сув етишмаслиги ҳолатлари юз бермоқда.

Гап шундаки, «CNN» телекомпанияси хабар қилишича, мамлакатдаги жуда кўп сув узатиш тармоқлари эскириб кетган, айримларига юз йилдан ошган. Бу йилги жазирамада сувга бўлган эҳтиёж ҳаддан зиёд ортган боис бу эскирган қувурлар сув босимини кўтаролмаяпти.

Июль ойининг ўзида биргина Оклахома штатининг маъмурий маркази бўлмиш Оклахома-Ситида 685 та сув узатиш тармоғи ишдан чикди. Калифорнияда, Канзас ва Техасда, Кетук-

«ЕРА» ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили сув узатиш тармоқларидаги носозликлар боис мамлакат иқтисодиёти 2,8 миллиард доллар миқдорида зарар кўради.

Қувурлар аста-секинлик билан алмаштирилмоқда. Тасдиқланган режага кўра, 2007 йилдан 2027 йилгача қувур алмаштиришининг ўзига 334 миллиард доллар миқдорида маблағ керак. Бу эса ўз навбатида кўпгина шаҳарларда сув ҳақи оширилиши билан боғлиқ масалани юзага келтирмоқда.

Беруний «Ефгар»

очиқ акциядорлик
жамияти жамоаси



Халқимизни Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг шонли йиғирма йиллиги ва
Рамазон ҳайити билан қутлайди.

Бободехқонларимизнинг бу йилги пахта
хирмонлари юксалсин.

Корхонамиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар
сифати яхшиланиб, турлари кўпайсин.

Рўзгорларимиздан тўкин-сочинлик, қут-барака аримасин!

Юртимиз осмони ҳаминиша мусаффо бўлсин!





Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

Юрtdошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма йиллиги ва Рамазон ҳайити муносабати билан муборақбод этади!

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашига ва унинг турларини кўпайтиришига интилаётган корхонамиз ишчи-хизматчилари Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида барча юрtdошларимизга янги-янги зафарлар тилайди.



Айёмингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»

унитар корхонаси жамоаси

Азиз ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг йигирма йиллиги ва
Рамазон ҳайити байрамлари билан табриклайди.

Юртимизда тинчлик, осойишталик,
хонадонларимизда файзу барака,
дастурхонимизда тўкин-сочинлик,
кўнгилларимизда шодлик ва
шукроналик бардавом бўлсин!

Юртимиз ободлиги ва
ҳаётимиз фаровонлиги
йўлида амалга ошираётган
ишларингизда улкан
муваффақиятлар
тилаймиз.



«АГРОБАНК» ОАТБ

Қорақалпоғистон Республикаси
Бошқармаси жамоаси

Азиз юртдошларимизни
мамлакатимиз
мустақиллигининг
20 йиллиги муносабати
билан қутлайди.

**Жонажон Ватанимизда
ҳамиша тинчлик,
фаровонлик бўлсин!**



ДЕНОВ НЕРТЪ БАЗАСИ

унитар корхонаси жамоаси

халқимизни ва

юртимиз

меҳмонларини

Ватанимиз

Мустақиллигининг

20 йиллиги

билан

муборакбод этади.



**Юртимиз тинч,
осмонимиз мусарфро,
халқимиз дастурхони
тўкин-сочин бўлсин!**

«УРГАНЧ ШАРОБ»

очиқ акциядорлик жамияти
жамоаси

барча юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг
20 йиллиги билан
муборакбод
этади.

20 йил

Орзу-умидларга, қувончларга
тўла ушбу кунда
барча-барчага тинчлик ва
хотиржамлик,
мустаҳкам соғлиқ,
эзгу ишларида улкан
муваффақиятлар тилайди.



**Байрамингиз
муборак бўлсин!**



«АНДИЖОН ЁҒ-МОЙ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖОМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни
Ўзбекистон мустақиллигининг

йигирма йиллиги ва

Рамазон ҳайити байрами билан қутлайди.

Қадрли юртдошлар!
Сизларни байрам билан
табриклар эканмиз,
барчангизга тинчлик-
омонлик, бахт-саодат,
мустаҳкам соғлиқ,
эл-юрт фаровонлиги
йўлидаги эзгу ишларингизда
муваффақиятлар тилаймиз.

Айём
муборак
азизлар!



Спорт



«Насаф» — финалда

■ Етакчи футбол клубларимиз Ўзбекистон кубогининг жавоб учрашувларини ўтказишди.

Қаршида «Насаф» клуби ярим финалнинг жавоб учрашувида «Бунёдкор» футболчиларини қабул қилишди. Дастлабки ўйинда 0:1 ҳисобида мағлубиятга учраган қаршиликлар ўртадаги мувозанатни тиклаш учун ўз майдонида ҳужумкор руҳда тўп суришди. Уларнинг саяҳаракати ҳакам томонидан асосий вақтга қўшилган 3-дақиқада самарасини берди. Артур Геворкян пенальтини аниқ амалга ошириб, «Насаф» учун зарур бўлган ҳисобдаги мувозанатни тиклади. Учрашунинг қўшимча бўлимларида ҳисоб ўзгармади ва пенальтилар серияси белгиланди. Футбол «лоторейси»да омад қаршиликларга кулиб боқди (4:3) ва «Насаф» клуби Ўзбекистон кубоги финалига чиқди.

Шунингдек, кубокнинг чорак финал жавоб учрашувлари ҳам бўлиб ўтди: «Пахтакор» — «Нефтчи» — 2:1 (дастлабки ўйин — 1:0), «Динамо» — «Шўртан» — 3:2 (дастлабки ўйин — 0:4). Демак, «Насаф»нинг финалдаги рақиби «Пахтакор» — «Шўртан» ўртасидаги ярим финал ўйинида аниқланади.

Бразилия — Португалия

■ Колумбияда футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтаётган жаҳон чемпионатининг финалчилари аниқланди.

Жаҳон чемпионати ярим финал учрашувлари мurosасиз курашлар остида ўтди: Бразилия — Мексика — 2:0, Франция — Португалия — 0:2. Энди учинчи ўрин учун кечадагидан ўйинда Мексика — Франция, финалда Бразилия — Португалия ёшлари майдонга тушилади. Ўйинлар бугун тунда бўлади.

Асрор МҮМИН

ОБ-ҲАВО 20-21.08. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	36°	38°
Самарқанд	36°	41°
Нукус	32°	37°
Қарши	37°	42°
Урганч	32°	37°
Навоий	36°	41°
Фарғона	34°	39°
Бухоро	36°	41°
Андижон	34°	39°
Наманган	34°	39°
Термиз	37°	42°
Жиззах	36°	41°
Гулистон	36°	41°
Тошкент вил.	36°	41°

Лондон	20°	21°
Париж	26°	26°
Москва	31°	26°
Мадрид	36°	37°
Пекин	31°	30°
Гонгконг	33°	33°
Рим	29°	30°
Анкара	31°	31°
Токио	33°	34°
Стокгольм	19°	20°
Кейптаун	25°	27°
Қоҳира	33°	32°
Гавана	32°	32°
Вашингтон	30°	31°

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846
10895
nuxxada
bosildi.

t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 01.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7633



1 2 3 4 5